

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Psi.01.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САТТАРОВА ГУЛНОРА ИКРОМОВНА**

**ИЛК ЎСПИРИНЛАР ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ  
ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on psychological sciences**

**Саттарова Гулнора Икромовна**

Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психодиагностикаси  
ва психокоррекцияси.....3

**Саттарова Гулнора Икромовна**

Психодиагностика и психокоррекция волевых качеств  
в раннем юношеском возрасте.....23

**Sattarova Gulnora Ikromovna**

Psychdiagnosis and psychocorrection of early adolescents'  
volitional powers.....43

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Psi.01.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САТТАРОВА ГУЛНОРА ИКРОМОВНА**

**ИЛК ЎСПИРИНЛАР ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ  
ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Psi.34 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жабборов Азим Мейлиқулович**

психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хажиева Максуда Султановна**

фалсафа фанлари доктори

**Жалилова Сабохат Мирхалиловна**

психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi. 01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети. Ижтимоий фанлар факультети (5-қават, 511- хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ғ.Б. Шоумаров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

**А.И. Расулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

**Н.С. Сафаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, психол.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш энг долзарб масалалардан бирига айланиб қолди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида истиқомат қилаётган ёшларнинг рухий ҳолати деярли бир хил<sup>1</sup>. Аммо, оилалардаги носоғлом муҳит, бола тарбиясига эътиборсизлик, шунингдек, инсон онги қалбига ҳужум қилишга қаратилган ғоявий хуружлар энг аввало иродаси заиф ўсмир ва ўспиринлар психикасига жиддий таъсир кўрсатиб уларни маънавий тубанлик томон етакламоқда. Биргина наркомания ёшлар ўртасида тарқалган эпидемия саналади. Бу борадаги статистик маълумотларда қайд этилишича, наркотик қабул қилаётганларнинг 70 % ини ўсмир ва ўспиринлар, шундан бир маротаба наркотик ёки токсик моддаларни қабул қилганларнинг 56 % ини ўғил болалар, 20 % ини қизлар, уни қабул қилишни давом эттираётганларнинг 45 % ини ўғил болалар, 18 % ини қизлар ташкил этар экан<sup>2</sup>. Ёшлар ўлимининг 3/1 қисмини ўз жонига қасд қилувчилар ташкил этиб, бу ҳолатнинг сабаби кундалик муаммолар билан эмас, бевосита ёшларнинг ўз ҳис-туйғуларини бошқара билмаслиги, таъсирларга берилувчанлиги каби омиллар билан асосланмоқда.

Жаҳонда ўсмир ва ўспиринларнинг иродавий сифатларини дисперсион баҳолаш, уларда онгли ва ихтиёрий бошқарувнинг шаклланиши, ўзини ўзи тартибга солиш, иродавий ва эмоционал регуляцияларнинг ўзаро муносабатлари, ихтиёрий бошқарувдаги бузилиш муаммолари психологик тадқиқотларнинг ўзига хос муҳим йўналиши саналади. Тадқиқотларда шахс хулқ-атворида иродавий сифатлар таркиб топишининг когнитив, конатив, ассоциатив ва интероспектив детерминантлари, иродавий сифатлар генерализациясининг ўзига хос психологик хусусиятлари ўрганилган. Айни вақтда илк ўспиринлар иродавий сифатларини ривожланишида турли омилларнинг таъсири ва иерархиясини аниқлаш, хулқидаги ҳиссий-иродавий номутаносибликни коррекция қилиш долзарб муаммолар сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш, уларнинг ташаббусини кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>3</sup> асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу борада ёшларни ўзини ўзи тартибга солиши, бошқариши, мураккаб вазиятларда тўсиқларни

<sup>1</sup> <http://kun.uz/jamiat/dolzabligini-yo'qotmaydigan-mavzu.html>.

<sup>2</sup> <http://prozavisimost.ru/narkomaniya/narkomaniya-sredi-podrostkov.html>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

бартараф қилишдаги иродасизликнинг олдини олиши, уларда шахсий жавобгарлик ва масъулиятни ўстириш, иродавий сифатларини психокоррекция қилишнинг самарадор усуллари яратиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313 “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда фаолиятга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий актларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Психология фанида иродани ўрганиш турли илмий методологик асосда қурилган ҳолда ижтимоий-тарихий тараққиётнинг барча босқичларида амалга ошириб келинмоқда. Мутафаккирларимиз Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва Алишер Навоийнинг асарларида, Амир Темур тузуклари<sup>4</sup> ва бошқа қатор алломаларнинг комил инсон тўғрисидаги таълимотларида ирода инсоннинг олий фазилатларидан бири сифатида улуғланган.

Ирода категориясининг фалсафий масалаларини дастлаб антик давр намоёндалари, ижтимоий тараққиётнинг кейинги даврларига келиб И. Кант, Б. Спиноза, Т. Гобс, Г. Гегель, У. Жеймс, Н. Ах, В. Вундт, К. Левин, Ю. Куль, А. Шопенгауэр, А. Коллинз, Э. Мейман<sup>5</sup> ва каби қатор етук файласуф олимлар ўрганганлар. Россия психологиясининг изланишларида иродани мотивация муаммоси билан боғлаб ўрганишга кўпроқ аҳамият берилган. Бундай назариялар қаторига Д.Н. Узнадзе ва унинг издошлари Ш.Н. Чхартишвили, Ш.А. Надирашвилиларнинг иродага оид таълимотларини киритиш мумкин. С.Л. Рубинштейн, К.Н. Корнилов, И.М. Сеченов, П.В. Симонов, Г.И. Челпанов, А.Ф. Лазурский, Д.Н. Ушаков, В.И. Селиванов, Е.П. Ильин, А.Н. Леонтьев, В.А. Иванниковлар<sup>6</sup> ирода муаммосини ўрганган

<sup>4</sup> Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўғитлари. – Т.: “Наврўз”, 1992. – 64 б.

<sup>5</sup> Левин К. Динамическая психология. – М.: Смысл, 2001. – С. 94–164.; Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. – М.: “Наука”, 1992. – С. 448.; Декарт Р. Сочинения: в 2-х томах. Т. 2. М.: Мысль, 1991. – С. 654.; Джеймс У. Психология. / Под ред. Петровской Л.А. – М.: Педагогика, 1991. – С. 368.; Гегель Г. Немецкая классическая философия. – М.: ЭКСМО–Пресс, 2000. – С. 784.

<sup>6</sup> Иванников В.А. Психологические механизмы волевой регуляции. Учебное пособие. 3-е издание. – СПб., 2006. – С. 208.; Ильин Е.П. Психология воли. 2-е изд. – СПб., 2009. – С. 368.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб., 1999. – 704 с.; Селиванов В.И. Избранные психологические произведения (воля,

олимлар сифатида психология тарихида муносиб ўрин эгаллайдилар.

М.В. Чумаков, Л.Ю. Иванов, Е.К. Фещенко, А.И. Высоцкий, А.В. Быков, Д.Ю. Жихарев, А.В. Белоусов, В.Г. Сахарова, С.М. Шингаев, А.Э. Пасниченко, Э.Г. Ширяева, И.А. Доронина, Н.П. Гаврилюк, Н.З. Бикмухаметова, Ю.Н. Коломьцев, О.А. Шамшикова, А.И. Макарова, Н.Б. Стамбулова, М.А. Басин, Л.А. Белозорова<sup>7</sup> ва бошқа тадқиқотчилар турли тараққиёт босқичидаги шахсларнинг иродавий сифатларини психодиагностикаси ва психокоррекция қилиш муаммолари доирасида излаш олиб борганлар.

Ўзбекистонда шахс иродаси ва уни ўстириш, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш муаммолари психологик тадқиқот сифатида дастлаб В.А. Токарева, П.П. Зимин, П. Ивановлар томонидан ўрганилган бўлса, кейинги йилларда М.Г. Давлетшин, Б. Қодиров, Э. Ғозиев, В. Каримова, Ғ. Шоумаров, З. Нишона, З. Ибодуллоев, И. Хайриев<sup>8</sup> ва бошқа қатор психолог олимларнинг дарсликлари, ўқув қўлланма ва монографияларда ирода тушунчаси, уни инсон ҳуликида таркиб топишининг ўзига хос хусусиятлари психологик нуқтаи назардан ёритиб берилган. Тадқиқотчи Ж. Искендерев педагогика коллежи ўқувчиларининг характерида интеллектуал ва иродавий хусусиятларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Қарши давлат университетининг 2015-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг истиқболли режаси ҳамда (А-1-016) “Имконияти чекланган ўқувчиларда касбий қизиқишларни ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини психодиагностика қилиш ва психокоррекциялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

илк ўспиринларда ироданинг шаклланганлик ҳолатини масъулиятлилиқ, мустақиллик, тиришқоқлик, зийраклик, собитқадамлик, мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилиқ, ғайратлилиқ, ташаббускорлик хислатлари орқали ёритиш;

---

ее развитие и самовоспитание). – Рязань: “РПИ”, 1992 – С. 575.; Игнатъев Е.И. Экспериментальное изучение простейших компонентов воли у школьников. В сб.: Вопросы психологии личности. – М., 1960. – С. 108–130.

<sup>7</sup> Стамбулова Н.Б. Выделение волевых черт личности // Вопр. психологии. – М., 1998. – С. 102–123.; Доронина И.В. Мотивационная основа волевой регуляции психической деятельности: Автореф. дис. ...канд. психол. наук. – Новосибирск, 1998. – 19 с.; Жихарев Д.Ю. Диагностика и формирование волевой саморегуляции юных боксеров в условиях детской юношеской спортивной школы: Автореф. дис. ...канд. психол. наук. – Ставрополь, 2002. – 21 с.

<sup>8</sup> Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 205 б.; Нишона З., Қаршиева Д., Атабаева Н., Курбонова З. Психодиагностика ва экспериментал психология. Дарслик. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. – 2015. – 443 б.; Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методикалари тўплами. Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. – Т.: ЎзМУ, 2003. – 94 б.; Хайриев И. Ирода психологияси. – Тошкент: “Фан”, 2010. – 144 б.

илк ўспиринлар иродавий сифатларининг шаклланганлик даражасини таълим йўналиши ва босқичларига қиёслаб ўрганиш;

илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини уларнинг шахслилик хусусиятлари, асаб тизими ва мотивацион соҳаси билан боғлиқлиги даражасини аниқлаш;

илк ўспиринлардаги иродасизликни бартараф этишга йўналтирилган “Иродавий сифатларни психокоррекциялаш” курси дастури ва иродавий сифатларни психокоррекциялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қарши банк коллежи ва олимпия заҳиралари коллежи, Самарқанд педагогика коллежи ва олимпия заҳиралари коллежи, Бухоро педагогика коллежи ва олимпия заҳиралари коллежининг 362 нафар ўқувчилари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** илк ўспиринлар иродавий сифатларининг шаклланиш хусусиятлари, иродавий сифатларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва уларни психокоррекциялаш жараёни.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Муаммони эмпирик тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги методикалар қўлланилди: М.В. Чумаковнинг “Шахснинг иродавий сифатлари” (ШИС) тести, Н.Е. Стамбулованинг “Талабаларнинг ўз иродавий сифатларини ўзи баҳолаши” сўровномаси, Р.С. Немовнинг “Иродангиз қай даражада?” ва Н.Н. Обозовнинг “Ирода кучини баҳолаш” методикалари; илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини уларнинг шахслилик хусусиятлари, асаб тизими ва мотивацион соҳаси билан боғлаб ўрганишда Р.Б. Кеттеллнинг “Ўн олти факторли шахс сўровномаси (16 PF)”, Я. Стреляунинг “Темперамент тузилмаси”, В.К. Гербачевскийнинг “Интилиш даражасини баҳолаш” методикаси; маълумотларни ишончлилик даражасини аниқлаш, миқдорий маълумотларни статистик таҳлиллашда махсус компьютер дастури “Корреляцион боғлиқликни аниқлаш” (К. Пирсон) усулидан ҳамда натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ва дисперсияни топиш формулаларидан (Стъудент t-муқарарлик мезони) фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк ўспиринлар иродавий сифатлари даражасига кўра уларнинг етакчи, бошқарилувчи ва сушт хулқ-атворли типлари аниқланган;

илк ўспиринлар мотивацияси, асаб тизимининг кучи ва шахслилик хусусиятларининг барқарорлашуви иродавий сифатларини (масъулиятлилик, сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик, тиришқоқлик) ривожланишига, “тобелик” ва “ўзини ўзи назоратлашнинг пасайганлиги” синдромларининг иродавий сифатларини сусайишидаги таъсири далилланган;

масъулиятлилик илк ўспиринларда етакчи иродавий сифат эканлиги ҳамда унинг бошқа иродавий сифатлар (ташаббускорлик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик, ғайратлилик) билан ўзаро муносабатлари иерархияси аниқланган;

илк ўспиринлар иродавий сифатларини ривожлантиришга мўлжалланган “Иродавий сифатларни психокоррекциялаш” номли психотренинг дастури



яратилган ҳамда иродавий сифатларни психокоррекциялаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан тавсияларишлаб чиқилган;

**Тадқиқот амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк ўспиринлар иродавий сифатларини конструктив ривожлантиришга йўналтирилган “Иродавий сифатларни психокоррекциялаш” номли психологик тренинг дастури ишлаб чиқилган;

илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психодиагностикаси ва психокоррекциялаш тизими такомиллаштирилган;

илк ўспиринлар иродавий сифатларини психокоррекциялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида иродавий сифатларини психокоррекция жараёнини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

илк ўспиринлар иродавий сифатларини ривожланиши ва сусайишига таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги тадқиқот объектларининг Ўзбекистон муҳотида танланганлиги, тадқиқотда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, олинган эмпирик натижаларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда амалга оширилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи “SPSS-22” дастурлари воситасида қайта ишланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психодиагностикаси ва психокоррекцияси муаммосини ўрганишдан олинган эмпирик натижалар, яъни илк ўспиринлар иродавий сифатларининг шахслилик ҳамда индивидуал хусусиятлари, асаб тизими ва темперамент хусусиятлари билан ўзаро муносабатларига доир психологик маълумотлар – ёш психологияси, педагогик психология, психодиагностика, психологик консультация ва психокоррекция соҳалари илмий асосларини бойитади.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида ишлаб чиқилган илмий тавсиялар, хулосалар ва тадқиқот методикалари таълим муассасалари психологларининг илк ўспиринлик давридаги ўқувчиларнинг иродавий сифатларини шакллانганлик даражасини ташхис қилиш, улар хулқ-атворида намоён бўлувчи иродасизлик билан боғлиқ ҳолатларни психокоррекциялаш ишлари самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади. Шунингдек, умумий психология, педагогика психология, психокоррекция ва психофизиология йўналишларида тадқиқотлар олиб боришда услубий асос сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини психодиагностикаси ва психокоррекцияси бўйича олинган илмий тадқиқот ишлари натижалар асосида:

ирода илк ўспиринларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи психологик ички имконияти эканлиги, уларнинг хулқ-атворида иродавий сифатларни намоён бўлиш даражасининг етакчи, бошқарилувчи, сушт типларини изоҳловчи илмий натижалар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 11 июлдаги 06/336-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси ЎМКХТ марказининг 2016 йил 30 декабрдаги 3Х-03/08-С-11/98-/А-сон маълумотномаси). Бу эса психологларга РБИММдаги болаларнинг фаолсизлиги, суштиги билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишга ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг руҳий эмоционал-иродавий имкониятларини рўёбга чиқариш, кундалик турмуш ва таълим жараёнидаги фаоллигини ошириш ишларида самарали натижаларга эришиш имконини берган. ЎМКХТ муассасари амалий психологлариининг ўқувчилар хулқидаги иродавий номутаносибликни психокоррекция қилиш сифатини оширишга хизмат қилган;

илк ўспиринлар мотивацияси, асаб тизими кучи, шахслилик хусусиятларининг барқарорлиги иродавий сифатларини (масъулиятлилик, сабр-тоқатлилик, қатъиятлилик, тиришқоқлик) ривожланишига, “тобелик” ва “ўзини ўзи назоратлашнинг пасайганлиги” синдромларининг иродавий сифатларни сусайишидаги таъсири аниқланганлигига доир илмий натижалар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятига жорий қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 11 июлдаги 06/336-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар амалиётчи психологларнинг болаларда руҳий асаб барқарорлиги, мувозанатлашганлик, уларнинг иродавий сифатларини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омил сифатида билишларини кенгайтирган;

масъулиятлилик илк ўспиринларда етакчи иродавий сифат эканлиги ҳамда унинг бошқа иродавий сифатлар (ташаббускорлик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик, ғайратлилик) билан ўзаро муносабатлари иерархияси аниқланганлигига доир илмий маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида кўмак олаётган болаларнинг ота оналарига маслаҳат бериш фаолиятида татбиқ қилинган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 11 июлдаги 06/336-сон маълумотномаси). Мазкур натижалар болаларни масъулиятлилик ва қатъиятлилик сифатларини ривожлантиришда психологларнинг самарали натижаларга эришишини таъминлашга хизмат қилган;

илк ўспиринларнинг иродавий сифатларини психокоррекция қилиш мақсадида ишлаб чиқилган тренинг дастури ҳамда иродавий сифатларни ривожлантириш бўйича тақдим этилган тавсиялар Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) фаолиятида (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 11 июлдаги 06/336-сон маълумотномаси) шунингдек, Қарши давлат университети психология йўналиши талабаларини амалиётга тайёрлаш борасидаги вазифаларни

бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 октябрдаги 89-03-2243-сон маълумотномаси). Бу эса РБИММ ва Олий таълим муассасалари амалиётчи психологлари фаолиятининг методик базаси таъминотини яхшилашга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари қатор илмий анжуманларда жумладан, 2 та халқаро ва 24 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш ва 1 та монография чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шулардан 12 таси республика, 3 таси хориж журналларида нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади. Диссертацияда 36 та жадвал ва 3 та расм берилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари белгиланган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

**“Психология фанида ирода муаммосининг ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобда ирода категориясининг назарий тадқиқи ўрин олган бўлиб, бунда ирода тушунчаси хориж тадқиқотчилари томонидан ўрганилган муаммо сифатида кенг ёритиб берилган. Шунингдек, ироданинг тузилиши, вужудга келиши, ривожланиши ва такомиллашуви қонуниятлари, бу жараёни таъминловчи механизмлар, иродавий регуляция кўрсаткичини психодиагностика қилиш ҳамда шахс сифат ва хусусиятларини психокоррекциялашнинг услубий жабҳаларини яратиш муаммоларига доир тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган.

Бобнинг асосий мазмуни ирода муаммосини ўрганиш бўйича турли олимларнинг қарашлари, психология соҳаларида ўтказилган тадқиқот ишлари ҳамда уларнинг натижалари таҳлилидан иборат. Хориж психологиясида олимлар (В. Вундт, У. Жеймс, Т. Рибо, К. Левин, Ж. Пиаже) томонидан ирода тушунчаси турли ёндашув асосида ёритилган. Т. Рибонинг таъкидлашича, ирода асосида мотивлашган куч тариқасида эҳтиёж ётади. У иродани “Мен”нинг яхлит тузилмаси сифатидаги шахсдан бошланувчи фаолликка нисбатан қобиллик тариқасида тавсифлаган.

Мотивация муаммосини таҳлил қилишда иродавий регуляцияга алоҳида аҳамият бериш зарур эканлигини таъкидлаш россиялик олимлар (С.Л.

Рубинштейн, П.В. Симонов, А.Ф. Лазурский, Е.П. Ильин, В.И. Селиванов, В.А. Иванников, Е.И. Игнатьев, А.Н. Леонтьев) изланишларида ўз аксини топган. Иродани тадқиқ қилишда кўпгина муаллифлар ўзини ўзи детерминациялаш, ўзини ўзи регуляциялаш нуқтаи назаридан ёндашганлар. Улар иродани тадқиқ этиш негизидан келиб чиққан ҳолда, айрим хулосалар чиқарганлар: а) ирода – бу шахснинг ўз фаолияти ва ташқи оламдаги ўзини ўзи бошқариш шаклларини англашнинг тавсифидир; б) ирода инсон яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб, у онгнинг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир; в) ирода – бу амалий онг, ўзгарувчи ва қайта қурилувчи олам, шахснинг ўзини онгли идора қилишдир. Бизнингча ирода инсоннинг ўз олдига қўйган онгли мақсадига итоат этган ҳолда тўсиқларни енга олиш, шахсий фаолиятини англаган тарзда фаол бошқариш ва назорат қила билиш қобилиятидир.

Шахс иродавий сифатларини экспериментал тадқиқ қилишга доир изланишларда олимлар (Е.К. Фещенко, Е.И. Чумаков, В.И. Макарова, Д.Ю. Жихарев, С.М. Шингаев, Э.Г. Ширяева, Ю.О. Мазур, Ю. Иванов) инсон фаолиятида иродавий бошқарувнинг ўрни, ўзини ўзи бошқариш, иродани шаклланишида гендер тафовутлар, интеллектуал-иродавий ҳаракатлар ва бундай ҳаракатларнинг шахс камолотига таъсири, ирода кучини сафарбар қилишнинг индивидуал, типологик тафовутлари ва иродани коррекция қилувчи тренинглар, уларни татбиқ этишнинг услубий жиҳатлари каби масалаларни эмпирик жиҳатдан ёритиб берганлар.

Ўзбекистонда П.П. Зимин, П.И. Иванов, В.А. Токарева каби олимлар биринчилардан бўлиб, ирода муаммосини психологик тадқиқ қилганлар. Кейинги йилларда М.Г. Давлетшин, Э.Г. Ғозиев, Б.Р. Қодиров, Ғ.Б. Шоумаров, В.М. Каримова, З. Нишонава, А. Жабборов, Н. Сафоев, З. Ибодуллаевларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида ирода тушунчаси, унинг нерв физиологик асослари, шахс хулқ-атворида ироданинг таркиб топиши масалалари илмий нуқтаи назардан талқин қилинган. И. Хайриевнинг ирода психологиясига бағишланган монографиясида иродани назарий жиҳатдан ўрганилиши, феноменологияси, иродавий сифат, ҳаракат ва ҳолатларнинг ўзига хослиги баён қилинган. Ж. Искендеров ўз тадқиқотида касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг характерологик хусусиятларини уларнинг иродавий сифатлари билан боғлаб ўрганган.

Диссертациянинг **“Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг психодиагностикаси”** деб номланган иккинчи бобида дастлаб иродавий сифатларни психодиагностика қилиш учун тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос келувчи, соф ва етарлича маълумотлар тақдим этувчи методикалар танлаб олинганлиги баён қилинган. Шунингдек, илк ўспирин ёшидаги ўқувчиларда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши, таълим йўналиши ва босқичларига кўра ўқувчиларнинг иродавийлик даражаси тафовутланиши ҳамда иродавий сифатлар билан шахслилик хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик эмпирик ўрганилган, натижалар психологик таҳлил қилиниб илмий хулосаланган.

Тажириба-синовда илк ўспиринлик ёшидаги (I босқич 182 та, III босқич 180 та) жами 362 нафар коллеж ўқувчилари жалб этилган.

“Талабаларнинг ўз иродавий сифатларини ўзи баҳолаши” (Н.Е. Стамбулова методикаси) сўровномаси бўйича биз томонимиздан олинган натижаларнинг умумий ўрта кўрсаткичи 16,5-18,95 баллар оралиғида ўрин олди.

### 1-жадвал


#### Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг шаклланганлик даражаси кўрсаткичлари

№	Иродавий сифатлар	Умумий кўрсаткич		1-курс (n=181)		3-курс (n=183)		t
		х	σ	х	σ	х	σ	
1	Мақсадга интилувчанлик ва собитқадамлик	18,95	3,20	19,08	2,79	18,82	3,56	0,639
2	Жасурлик ва қатъиятлилиқ	18,10	3,95	17,40	3,68	18,81	4,09	-3,309***
3	Ташаббускорлик ва мустақиллик	16,56	3,24	16,67	3,43	16,45	3,06	0,661
4	Тиришқоқлик	16,76	4,86	16,11	4,64	17,41	5,00	-2,695**
5	Дадиллик ва сабр-тоқатлилиқ	18,88	3,87	18,85	4,03	18,91	3,724	-0,109

Изоҳ: \*\*  $p \leq 0,01$ , \*\*\*  $p \leq 0,001$

Илк ўспирин ёшидаги ўқувчиларда мақсадга интилувчанлик ва собитқадамлик, ўзини тута билиш ва қатъиятлилиқ, ташаббускорлик ва мустақиллик ҳамда дадиллик ва сабр-тоқатлилиқ сифатлари методика меъёрий кўрсаткичларидан қуйи эканлиги аниқланди. I-III босқич ўқувчиларининг жасурлик ва қатъиятлилиқ (17,40 ва 18,81 балл,  $t = -3,309$ ,  $p \leq 0,001$ ) ҳамда тиришқоқлик (16,11 ва 17,41 балл,  $t = -2,695$ ,  $p \leq 0,01$ ) сифатлари ўртасида статистик фарқ кузатилди.

М.В. Чумаков тести асосида олинган натижалар корреляцион тадқиқ қилинди. Биринчи босқич илк ўспирин ёшидаги ўқувчиларнинг иродавий сифатларида қатор аҳамиятли алоқадорлик кузатилди. Бошқа иродавий сифатларга таққослаганда масъулиятлилиқ сифати нисбатан кўпроқ иродавий компонентлар билан мусбат алоқадорлик ҳосил қилди. Ўқувчиларда масъулиятлилиқ ҳисси таркиб топиши унга қўшимча равишда ташаббускорлик ( $r = 0,310$ ,  $p \leq 0,05$ ), қатъиятлилиқ ( $r = 0,529$ ,  $p \leq 0,01$ ), сабр-тоқатлилиқ ( $r = 0,323$ ,  $p \leq 0,05$ ), ғайратлилиқ ( $r = 0,631$ ,  $p \leq 0,01$ ) сифатларини ривожланишига, ўз навбатида ташаббускорликнинг ўсиши мустақиллик ( $r = 0,366$ ,  $p \leq 0,05$ ) ҳамда собитқадамликни ( $r = 0,336$ ,  $p \leq 0,05$ ) ортишига, мустақилликнинг ривожланиб бориши сабр-тоқатлилиқ ( $r = 0,398$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва зийракликни ( $r = 0,317$ ,  $p \leq 0,05$ ) қарор топишига туртки бериши аниқланди. Сабр-тоқатлилиқнинг ривожланиши баробарида ўқувчилар тиришқоқ ( $r = 0,395$ ,  $p \leq 0,05$ ), собитқадам ( $r = 0,395$ ,  $p \leq 0,05$ ), ғайратли ( $r = 0,464$ ,  $p \leq 0,05$ ) инсонларга айланишлари мумкин.




**1-расм. Илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари иерархияси**

Корреляцион таҳлилларга кўра, III босқич ўқувчиларининг иродавий сифатлари ўртасида боғлиқлик 2-расмда куйидагича акс этди: I босқичга нисбатан III босқич ўқувчиларида масъулиятлилик сифати кўпроқ иродавий сифатлар билан ижобий корреляцион алоқадорлик ҳосил қилди. Масъулиятлиликнинг етакчи иродавий сифат тарзида намоён бўлиши илк ўспиринларда ташаббускорлик ( $r=0,323$ ,  $p\leq 0,05$ ), қатъиятлилик ( $r=0,359$ ,  $p\leq 0,01$ ), тиришқоқлик ( $r=0,717$ ,  $p\leq 0,01$ ), ғайратлилик ( $r=0,640$ ,  $p\leq 0,01$ ), зийраклик ( $r=0,681$ ,  $p\leq 0,01$ ), собитқадамлик ( $r=0,663$ ,  $p\leq 0,01$ ) сифатларида ижобий ўсишни вужудга келтирди. Илк ўспиринларнинг ташаббускорликка интилиши уларни мустақил ( $r=0,354$ ,  $p\leq 0,05$ ), сабр-тоқатли ( $r=0,323$ ,  $p\leq 0,05$ ) ва собитқадам бўла боришларини таъминлайди ( $r=0,349$ ,  $p\leq 0,01$ ). Қатъиятли бўлишга интилиш тиришқоқлик ( $r=0,556$ ,  $p\leq 0,01$ ), зийраклик ( $r=0,643$ ,  $p\leq 0,01$ ), собитқадамлик ( $r=0,618$ ,  $p\leq 0,01$ ) сифатларини ривожлантиради. Корреляцион тадқиқот натижасида ўқувчиларда мустақиллик тиришқоқликни ( $r=0,335$ ,  $p\leq 0,05$ ); сабр-тоқатлиликни таркиб топиши зийраклик ( $r=0,458$ ,  $p\leq 0,01$ ) ва собитқадамликни ( $r=0,461$ ,  $p\leq 0,01$ ); ғайратлиликни камол топиши зийракликни ( $r=0,746$ ,  $p\leq 0,01$ ); зийраклик эса собитқадамликни ( $r=0,617$ ,  $p\leq 0,01$ ) ривожланишига туртки бериши аниқланди. Педагогика йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларга нисбатан олимпия захиралари коллежи ўқувчиларида иродавий сифатлар юқори шаклланган дея илгари сурган фаразимизни текшириш учун ҳар икки таълим йўналишининг натижалари қиёсий ўрганилди.

I босқич ўқувчиларида “мақсадга эришишга интилувчанлик” (17,16 ва 18,33;  $t=-2,408$ ;  $p\leq 0,05$ ) сифати тест меъёрий кўрсаткичидан қуйи, аммо таълим йўналишлари бўйича “ўзини тута билиш ва қатъиятлилик, сабрлилик” (13,53 ва 16,23;  $t=-5,014$ ;  $p\leq 0,001$ ); “ташаббускорлик ва

мустақиллик” (15,56 ва 14,36); “тиришқоқлик” (11,90 ва 13,00;  $t = -2,483$ ;  $p \leq 0,05$ ); “дадиллик ва қатъиятлилиқ” (17,33 ва 17,26) сифатлари кўрсаткичларида статистик фарқ мавжуд.



**2-расм. Илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари иерархияси**

“Мақсадга эришишга интилувчанлик” (17,16 ва 18,33;  $t = -2,408$ ;  $p \leq 0,05$ ) “ўзини тутта билиш ва қатъиятлилиқ” ҳамда “сабрлилиқ” (13,53 ва 16,23;  $t = -5,014$ ;  $p \leq 0,001$ ); “тиришқоқлик” (11,90 ва 13,00;  $t = -2,483$ ;  $p \leq 0,05$ ) сифатларининг шаклланганлигида олимпия захиралари коллежи ўқувчиларида устунлик мавжуд. Бироқ, барча таҳлилий натижалар бизга илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари таълим жараёнидаги ҳолатлар ва касбий фаолият турлари учун етарлича шаклланган деган хулосани бермади.

Ҳар иккала таълим йўналишининг III босқич ўқувчиларининг иродавий сифатларини таркиб топганлигини ҳам қувонарли деб бўлмайди. Шкалалар бўйича йиғинди баллар методика меъёрларидан қуйи, аммо таълим йўналишларига кўра “мақсадга эришишга интилувчанлик” (16,43 ва 18,43;  $t = -3,907$ ;  $p \leq 0,01$ ), “ўзини тутта билиш ва қатъиятлилиқ” (16,0 ва 17,33;  $t = 2,183$ ;  $p \leq 0,05$ ); “ташиббускорлик ва мустақиллик” (15,50 ва 14,60); “тиришқоқлик” (12,56 ва 15,73;  $t = -4,335$ ;  $p \leq 0,001$ ); “дадиллик ва сабр тоқатлилиқ” (16,06 ва 18,50;  $t = -2,992$ ;  $p \leq 0,01$ ) сифатлари ўртасида аҳамиятли фарқлар мавжуд. Педагогика ва олимпия захиралари коллежларида таҳсил олаётган III босқич ўқувчиларида иродавий сифатларни рўёбга чиқиш жараёни барқарорлик ва мукамаллик даражасига эришиб улгурмаган.

**Илк ўспиринларда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши**  
(Н.С. Стамбулова сўровномаси татбиқи асосида)

№	Иродавий Сифатлар	I босқич ўқувчилари		Педагогика таълим йўналиши		Спорт таълим йўналиши		t
		х	σ	х	σ	х	σ	
1	Мақсадга интилувчанлик собиққадамлик	17,16	2,018	18,33	2,07			-2,408*
2	Ўзини тутат билиш ва қатъиятчилик	13,53	2,28	16,23	2,16			-5,014***
3	Ташаббускорлик ва муштакиллик	15,56	3,22	14,36	3,13			1,713
4	Тиришқоқлик	11,90	2,02	13,00	2,11			-2,483*
5	Дадиллик ва сабр- Тоқатчилик	17,33	2,44	17,26	2,66			0,118

**Изоҳ:** \* $p \leq 0,05$ ; \*\*\* $p \leq 0,01$ ;

Илк ўспиринлар иродавий сифатларининг шаклланишида шахслилик омилларининг аҳамияти Р.Б. Кеттелнинг “Ўн олти омилли шахсни ўрганиш сўровномаси” асосида ўрганилди. Педагогика коллежида тахсил олаётган ўқувчиларнинг шахслилик хусусиятларидан кўзгалувчанлик, зўриқиш-бўшашиш омили бошқа омилларга нисбатан кўпроқ иродавий сифатлар билан ижобий корреляцион алоқадорлик ҳосил қилди. Натижалар қуйидагича ўзига хос кўриниш олди:



**3-расм. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иродавий сифатлари ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги етакчи омилнинг ифодаланиши**

Мазкур омиллар хусусиятига кўра, илк ўспиринлар рухий барқарор шахс бўлгандагина масъулиятчи, сабр-тоқатчи, ташаббускор ва собиққадам шахсга айланишлари таъминланар экан. Бу эса бўлғуси педагог истагида бўлган илк ўспиринлик давридаги ўқувчилар учун муҳим ҳисобланади. Олимпия заҳиралари коллежида тахсил олаётган ўспиринларда эса аксинча, иккита ўзига хослик аниқланди. “Тобелик” синдроми оқибатида сабр-тоқатнинг йўқолиши ва ғайратчиликнинг пасайиши ( $r=-0,147$ ,  $p \leq 0,05$ ); “ўзини ўзи



назорат қилишнинг сустлиги” оқибатида мустақиллик ва собитқадамликда регрессив ҳолат ( $r=-0,223$ ,  $p\leq 0,01$ ) кузатилди. Аслида иродавий сифатларнинг ўзи ҳам шахс хусусиятлари сифатида таркиб топиши лозим бўлади. Шахслилик хусусиятлари иродавий сифатлар билан уйғунлашмас экан, фаолиятда кўзда тутилган юқори мақсадларга эришиб бўлмайди.

Тадқиқотдан олинган натижалар, таҳлил ва хулосаларимиз асосланиб илк ўспиринлар иродавий сифатлари даражасига кўра қуйидаги типларга ажратилди. Биринчи тип вакиллари етакчи типдир. Етакчи хулқ-атворли типга кирувчи илк ўспиринлар иродасида мустақиллик, масъулиятлилик, тиришқоқлик, ғайратлилик, жасурлик ва қатъиятлилик, дадилик ва сабр-тоқатлилик сифатлари устувор кўриниш олган.

Иккинчи тип. Бошқарилувчи хулқ-атворли илк ўспиринларда зийраклик ҳамда собитқадамлик юқори даражада, жасурлик, қатъиятлилик ўртача, мустақиллик, ташаббускорлилик ва ғайратлилик иродавий сифатлари қуйи даражада эканлиги аниқланган.

Учинчи тип. Суст хулқ-атворли илк ўспиринларда ғайратлилик, ташаббускорлик, тиришқоқлик, мустақиллик, сабр-тоқатлилик, масъулиятлилик жуда паст, жасурлик, қатъиятлилик ўрта даражада эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Илк ўспиринларда иродавий сифатларни коррекциялаш имкониятлари” номли учинчи бобида ирода, асаб тизими ва эмоционал хусусиятларнинг боғлиқлиги, психокоррекцион дастурни татбиқ этишнинг асосий шартлари, талаб ва тамойиллари, коррекцион ривожлантирувчи дастурнинг самарадорлиги баён қилинган.

### 3-жадвал.

#### Илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари билан асаб тизимининг алоқадорлигини ифодаланиши (I-III босқич ўқувчилари мисолида)

№	Иродавий сифатлар	Асаб тизими хусусиятлари	Қўзғалиш кучи ( $F_K$ )	Тормозланиш кучи ( $F_T$ )	Харакатчанлик ( $F_X$ )	Мувозанатлашганлик кучи: $A = F_X/F_K$
1	Масъулиятлилик		-0,107	0,120	0,050	0,114
2	Ташаббускорлик		-0,071	-0,008	-0,071	0,048
3	Қатъиятлилик		-0,147*	0,000	0,092	0,164*
4	Мустақиллик		0,021	-0,135	0,009	-0,034
5	Сабр-тоқатлилик		0,045	0,089	0,145	0,058
6	Тиришқоқлик		-0,177*	0,003	0,163*	0,055
7	Ғайратлилик		0,039	-0,210**	0,126	0,070
8	Зийраклик		-0,055	0,003	-0,052	0,036
9	Собитқадамлик		-0,071	0,190*	0,136	0,160*

Изоҳ: \* $p<0,05$ , \*\* $p<0,01$

Илк ўспиринларнинг иродавий сифатлари билан асаб тизими кучи ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини ўрганишда Ян Стреляунинг

“Темперамент тузилмаси” сўровномасидан фойдаланилди. Натижалар куйидагича ўзига хос кўриниш олди:

I босқичда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг қатъиятлилиқ сифати асаб тизимининг кўзғалиш кучи билан манфий алоқадорлиқ ҳосил қилди ( $-0,147$ ).

Илк ўспиринлар асаб тизимида кўзғалиш кучининг пасайиши мувозанатлашганлик кучининг ўсишига ( $0,164$ ), “тиришқоқлик”нинг ўсиши эса “кўзғалиш кучи”нинг пасайишига ( $-0,177$ ) ва “ҳаракатчанлик кучи”нинг ортишига олиб келади. Илк ўспиринларда “ғайратлилиқ”ни ўсиши ҳисобида асаб тизимининг “тормозланиш кучи”да пасайиш кузатилди. Бу ҳақиқатга мос ҳолат ҳисобланади. Илк ўспиринларда собитқадамликнинг ўсиши асаб тизимининг “тормозланиш кучи”да ижобий ўзгаришни вужудга келтирди ( $0,190$ ). Кучли асаб тизимида эгалик таъсирларга берилувчанликни тез сусайишига, ўзини назорат қилишнинг ортишига, ишга киришимлилиқни ўсишига, ҳушёрлик, ҳулқ-атвор реакцияларига совуққонлик билан ёндашуви сабаб бўлади. Ўз навбатида “собитқадамлик”нинг ижобий кўриниш олиши “мувозанатлашув”ни ижобий корреляциясига сабаб бўлди ( $0,160$ ). Бу эса илк ўспиринларнинг кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида учрайдиган қийинчиликларда ўзини йўқотиб қўймаслиги, кутилган ва кутилмаган вазиятларда ўзини бошқара олиш имкониятига эга эканлигини ифодалайди.

III босқич ўқувчиларида ҳам юқоридаги каби тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Масъулиятлилиқ сифатининг ўсиши ўқувчилар асаб тизимининг “кўзғалиш кучи” ( $r=0,173$ ;  $p<0,05$ ) ва “мувозанатлашув”да ( $r=0,188$ ;  $p<0,05$ ) ижобий ўзгаришни вужудга келтирди. “Тиришқоқлик” сифати билан “кўзғалиш кучи” ўртасидаги корреляцион муносабат куйи босқич ўқувчилари натижаларига ўхшаш кўриниш олди. Ўқувчиларнинг асаб тизими билан иродавий сифатларида айрим ҳолатлар ва вазиятлардагина мусбат боғланиш кузатилди.

Тадқиқотимизнинг психодиагностика босқичида иродавий сифатлар билан энг кўп ижобий алоқадорлиқ касб этган сифат бу - масъулиятлилиқ сифати эди. Шу боис, биз психокоррекцион дастур ишлаб чиқишда асосан эътиборни ўқувчиларнинг масъулиятлилиқ сифатини шакллантиришга қаратдик. Тадқиқот жараёнида “Иродавий сифатларни психокоррекциялаш” дастурининг самарадорлиги синовдан ўтказилди ва илк ўспиринларнинг тажриба-синовдан олинган дастлабки ва кейинги натижалари ўзаро қиёсланди.

Илк ўспиринларда тўққизта иродавий сифатлардан тўрттасида ижобий ўзгаришлар кузатилди. “Масъулиятлилиқ”нинг дастлабки кўрсаткичи ва тренингдан кейинги ҳолати  $4,46$  ва  $7,93$  балл миқдори ифодалади. “Сабр-тоқатлилиқ” сифатининг тренинг олди ва тренингдан кейинги кўрсаткичида ҳам ижобий натижага эришилди ( $5,64$  ва  $7,35$ ). Бу ижобий натижа ҳисобланади. Чунки, сабр-тоқатлилиқнинг шаклланганлиги ўқувчиларнинг ўз хатти-ҳаракати, ҳулқ-атворини бошқаришида барқарор руҳий муҳитни, ўзига

